“ҚУТАДҒУ БИЛИГ“ АСАРИДА ҚЎЛЛАНГАН ЛЕКСИК СИНОНИМЛАР

Г.Қобулжонова

Мақолада Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қўлланган лексик синонимларнинг ўзига хос этимологик хусусиятлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *синоним, коннотатив, периферик синонимик воситалар, асл синонимлар, лексик қатлам, умумлаштирувчи маъно.*

В статье анализируются этимологические свойства лексических синонимов в произведении Юсуфа Хас Хожиба “Кутадгу билиг”

Ключевые слова: *синоним, коннотация, периферические синонимические средства, абсолютные синонимы, лексический слой, обобщающее значение.*

This article analyzes the lexical synonyms and their specific etymological features used in “Qutadgu Bilig” by Yusuf Hos Hojib.

Key words: *synonym, emotional expressive, associative, pragmatic, connotative, denotative, synonyms, common meaning.*

Ўтмишдан мерос ёзма ёдгорликларни лингвистик жиҳатдан текшириш тил тараққиётининг маълум бир тарихий давридаги тараққий даражасини ўрганиш учун аҳамиятлидир. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони ўзининг лексик хусусиятлари билан ўз даври тилини ўрганишда алоҳида қимматга эга бўлган муҳим манба саналади. “Қутадғу билиг” достони, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари ва Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридан фарқли ўлароқ, туркий тилларнинг адабий тил сифатида шаклланиши ва тараққий этиш жараёнини ўзида акс эттириши билан ҳам тил тарихида алоҳида ўрин тутади.

Ёзувчи мақсадини ўқувчига тўла-тўкис етказувчи омил, шубҳасиз, сўздир. Дарҳақиқат, сўзни ўринли қўллай билиш имконияти бадиий тафаккурдаги, бадиий тилдаги, умуман, бадиий ижодиётдаги асосий масалалардан биридир.

Адиб бу масалага ўша давр шароитидан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашган ва ўзининг деярли соф туркий тилдаги “Қутадғу билиг” асарини яратишда тилдаги сўзларнинг ўша даврга хос маъно имкониятларини, улардаги турли эмоционал-экспрессив бўёқларни ҳисобга олган ва уларни фарқлай билган. Натижада асарда бир хил маъно тушунчасини ифодалаш учун бир маънодош уяга мансуб сўзлар кўплаб қўлланганки, бу асарнинг поэтик ранг-баранглигини оширишга ва лексик таркибини бойитишга хизмат қилган.

Асарда қўлланган синонимларни *абсолют лексик синонимлар* ва *семантик лексик синонимлар* деб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Абсолют лексик синонимлар мазмуни ва маъносига кўра бир-бирига мутлоқ тенг ва баробар бўлади [1.407]. Мутлоқ синонимлар барча тилларда ҳам нисбатан кам сонни ташкил қилиб, асосан, тилларнинг луғат бойлигини оширадиган воситалардан бири бўлган ташқи таъсир ёки тиллар алоқасидан пайдо бўладиган бирликлар асосида манба тилидаги сўзлар билан алоқага киришади [2.122-129]. Асарда маъно ифодасига кўра мутлоқ, яъни тенг келадиган синонимларни кўплаб учратиш мумкин.

Масалан:

Билигни бэдуг бил укушни улуғ
Тилаким сўз эрди э билга богу
Ажунқа бала – ул будунқа йути
Эсурса киши тэлва мундуз бўлур

Юқоридаги мисолда келтирилган *бэдуг* (буюк) – улуғ, *билга* (билағон) – *богу* (доно) , *бала (*бало) – *йути* (офат) каби сўзлар асарда маъно жиҳатдан тенг бўлган мутлоқ синонимлар сифатида қўлланган.

Семантик синонимлар мазмунан бир-бирига жуда яқин бўлиб, улар маъно жилоси, услубий хусусияти билан бир-биридан фарқ қилади. Асарда бундай синонимларга қуйидаги сўзларни келтириш мумкин:

Атан – тэва – буғра – туя; *қул – қара – қарабаш* – қул; *тўкуч – этмак* – кулча нон; *сигун – муйгак* – буғу ва шу кабилар.

Юқорида келтирилган мисоллардаги “*атан*” сўзи туя маъносида келса ҳам, у ўзининг маъно оттенкаси билан бошқа ўз қаторидаги синонимлардан фарқ қилиб, “*ишчи туя”* маъносини билдиради. “*Тэва”* сўзи эса ҳозирги ўғуз шеваларига мансуб туркий тилларда “туя” маъносида ишлатилган. “*Буғра* “сўзи эса “*эркак туя*“ маъносида қўлланган. Кўриниб турибдики, бир синонимик қатордан ўрин олган бир неча сўз семантик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланади. Асарда қўлланган синоним сўзлар ўзларининг морфологик, семантик белгиларига кўра турли сўз туркумларига мансуб.

“Қутадғу билиг” асарида қўлланган синонимларни келиб чиқиши жиҳатидан шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Жуда қадим даврлардан бошлаб маълум қабилаларга хос сўзлар тарзида шаклланиб, улар бирикканда синоним ҳолига кўчган сўзлар.

2. Турмуш зарурати билан янги сўзлар ясаш асосида келиб чиққан синонимлар.

3. Турмуш талабига мувофиқ бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида пайдо бўлган синонимлар.

Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Душман – йағи – душман; *кўк – калик – эврэн* – осмон; *ўтаг - эв – йурт* – уй, турар жой; *будун – (бузун) – халайик* – халқ; *бала – йути* – офат; *дўст – адаш – эш* – дўст, ўртоқ ва ҳакозо. Асарда бу каби синонимлар кўплаб учрайди.

Асарда қўлланилган синоним сўзлар ўзининг морфологик, семантик белгиларига кўра турли сўз туркумларига мансуб.

От туркумига мансуб синонимлар

Масалан:

Иду бэргил эмди мэни тэнгриқа
Шукр қилди раббқа отади отин
Эй эрклиг уған мангу мунгсиз байат

Мисолда келтирилган тэнгри, рабб, байат сўзлари ўзаро синонимик қаторни ҳосил қилган. *Тэнгри* – мўғулча, *байат* - туркий, *рабб* – арабча сўз ҳисобланади. Бу сўзлар умумий маъносига кўра *худо, парвардигор* тушунчаларини ифодалайди. Бу ўринда ўзлашган сўзлар тилимиз лексикасини бойитган ва синонимлар қаторининг ранг-баранг бўлишини таъминлаган.

Сақинч, қадғу меҳнат менга келгалир
Ўлурда мунгадиб йэдинг ҳам ғамим

Мисоллардаги *сақинч, қадғу, ғам* сўзлари ҳам ўзаро маъно умумийлиги жиҳатидан бир синонимик қаторга мансуб. *Сақинч, қадғу* туркий қатламга оид сўз бўлиб, *- инч, - ғу* аффикслари ёрдамида феълдан ясалган, *ғам* эса араб тилидан ўзлашган.

Чиғайқа улади ўкуш нэнг товар
(Камбағалларга кўп мол – товар улашди)

Мисолда берилган *нэнг* ва *товар* сўзлари асли туркий, *нэнг* сўзи кейинчалик истеъмолдан чиқиб кетган. *Товар* сўзи эса ҳозир ҳам рус тилида сақланган бўлиб, *товар, юк, мол* маъносини англатади [3.865;4.470] Ўзбек тилида бу сўз билан бирга араб тилидан ўзлашган “*мол*” сўзи ҳам қўлланади. XI аср тилида юқоридаги сўзлар кўпинча жуфт ҳолда қўлланган ва *бойлик, бисот, мол-мулк* маъносини англатган [4.385]. Алоҳида қўлланганда эса бири иккинчисининг синоними сифатида келади.

Асиғ йас учун болса эмди йағи
(Агар) энди душман фойда (ва) зарар учун бўлса
Йалавачқа мунг йок сўзини киймаса,

“*Йас”, “мун”* сўзлари қадимги туркий қатламга мансуб. Умумий зарар, зиён маъноларини ифодаловчи тенг синонимлар бўлиб, ҳозирги туркий тилларда истеъмолдан чиққан.

Қайу ул малик ким тўкуш қилғуни
Урушлар ўдинда черик тузгуни

“*Тўкуш”, “уруш”* сўзлари туркий қатламга оид бўлиб, *жанг, уруш* тушунчасини англатади. Ўзаро синоним бўлган бу сўзлар XI аср тилида параллел қўлланган. Даврлар ўтиши билан “*тўкуш*” сўзи истеъмолдан чиққан. *Уруш – тўкуш* сўзи “Девону луғотит турк”да жуфт сўз сифатида қўлланган [5.12].

Сифат туркумига мансуб синонимлар

Сифат туркумига оид синонимлар ҳам асар тилининг нафис ва жозибадор бўлишига хизмат қилган.

Бир – ул бир қатиғсиз, қариқсиз ариғ
(Худо ягона, тоза, соф, покдир)

Мисрада келтирилган *қариқсиз, қатиғсиз, ариғ* сўзлари *покиза, тоза, соф* каби маъноларни ифодалаб, умумий маъно яқинлиги жиҳатидан бир синонимик қаторни ташкил этувчи туркий сўзлар бўлиб, феълдан ясалган сифатлардир.

Тили чин бутун ҳам кўзи кўнгли бай
Бағирсақ бутун чин қилинчи кўни
Тили кўнгли туз бўлса муни
Амуллуқ кэрак эрқа қилқи онгай

Бундаги *чин, кони, туз, онгай* сўзлари умумий маъно яқинлигига кўра бир синонимик қаторни ҳосил қилувчи умумтуркий сўзлар предметга хос хусусият белгисини, яъни *тўғри*, *рост* тушунчаларини англатиб келган.

Болумсузқа давлат кэлу берса қут
Тутар давлатин ул кечурмаз куни
Саранқа тапунма э тапунур киши

Матндаги салбий оттенкага эга *саран, болумсуз* сўзлари *хасис*, яъни сарф ҳаражатга пишиқ маъносини англатиши жиҳатидан ўзаро синоним. *Саран* сўзи ҳозирда истеъмолдан чиққан, *болумсуз* сўзи эса семантик жиҳатдан ўзгарган.

Феъл туркумига мансуб синонимлар

Асарда феъл туркумига мансуб синонимлар аксарият ҳаракат маъносини англатиб келган. Бундан ташқари руҳий ўзгаришлар, нарсаларнинг ҳолати ва бир-бири билан ўзаро муносабатини ифодаловчи феъл синонимлар ҳам учрайди.

Адирмаз кишисин қулуғ йа бегиг
Ўдурмаз талусин йавуз – ма йегиг
Ўдурди адирди кўтурди мэни
Азуқлар йолиндин кэтэрди мэни

Келтирилган парчадаги *ўдурди, адирди* сўзлари “танламоқ” умумий маъноси асосида бир синонимик қаторни ташкил этади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам XI аср тили учун характерлидир. Асарда бу сўзлар жуфт сўз ҳолида ҳам учрайди. Бу эса биринчиси-

нинг ўша вақтда истеъмолдан чиқиб кетаётганлигини кўрсатади. *Адирди* феъли фонетик ўзгариш билан (айирди шаклида) бизгача етиб келган.

Йўқ эрдим торутти игиди мэни,
Кичиг ўғлан эрдим бэдутти мэни.

Парчадаги "ўстирмоқ", "улғайтирмоқ" маъносида қўлланган *бедут, игид* сўзлари синоним бўлиб, улар Ўрхун-Энасой ёдгорликари тилида ҳам учровчи қадимги туркий сўзлардир.

Йашил кўк йаратти уза йулдузи
Кара тун торутти йаруқ кундузи.

Юқоридаги мисраларда қўлланган *йаратти, торутти* феъллари "яратмоқ", "бунёд этмоқ" маъноларини ифодаловчи синонимлардир. Улардан биринчиси ҳозирда ҳам ушбу маънода қўлланади, "*торутмоқ*" феъли эса ўзбек тилида истеъмолдан чиққан. Шу билан бирга, туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига кирувчи қирғиз ва қозоқ тилларида "тўрамоқ" лексемаси айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда "туғмоқ" маъносида қўлланади.

Равиш туркумига мансуб синонимлар

Ўзбек тилида асл туркий равишлар жуда кам сонни ташкил этади. Улар: ашну (илгари), бат (тез), тэк (жим), тик, нару, беру, эмти // эмди.

Ўзунг мангу бэглик тиласа тучи
Эй элиг бу бэглик узун кулса – сэн

Асарда қадимий истеъмолда бўлиб келган *мангу, узун* сўзлари "поёни йўқ", "ўлмас", "абадий" маъноларида қўлланган. *Мангу* сўзи мўғул тилидан ўзлашган, *узун* эса туркий сўз бўлиб, семантик жиҳатдан ўзаро синонимик қаторни ташкил этади.

Аз эдгука артуқ ўкуш шукри қил
Тэлим ордулар бузди кучкай кучин

Ўкуш, тэлим сўзлари қадимги туркий қатламга мансуб бўлиб, ҳозирда истеъмолдан чиққан, улар контекстда "кўп", "мўл" маъноларини ифодалаб шу умумий маъно англатишига кўра синоним саналади.

Олмош туркумига мансуб синонимлар.

Асарда бу туркум доирасига мансуб синонимлар деярли учрамайди, бунга тубандаги айрим намуналарнигина келтириш мумкин.

Масалан:

Қамуқ – ул сэнга барча суврат бэдиз

Мисрадаги *қамуқ, барча* сўзлари ўзаро синоним бўлиб келган. *Қамуқ* – қадимги туркий қатламга оид, ҳозирда истеъмолдан чиққан, *барча* – форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, бизгача етиб келган.

Хулосалаб айтиш мумкинки, асарда қўлланган синонимлар турли қабила сўзлари ёки ҳаётий заруррат туфайли юзага келган янги сўзлар, шунингдек, турмуш талабларига мувофиқ чет сўзларни қўллаш натижасида майдонга келган. Бундай синоним сўзлар, бир томондан, жуда қадимги давр диалектал сўзларидан намуна бўлса, иккинчидан, XI асрдаги синоним сўзлар намунаси сифатида аҳамиятлидир. Мисол тариқасида келтирилган сўзлар асар тилидаги барча синонимлар дегани эмас. Улар кўп, биз изоҳлаган мисоллар эса асардаги синоним сўзлардан намуна, холос.

Асарда қўлланган лексик синонимларнинг бизгача етиб келиш даражасини турлича баҳолаш мумкин:

1. Оз бўлса-да ҳамма шакллари етиб келган: *ай(моқ), - сўзла(моқ); боқ(моқ)- кўр(моқ);*

2. XI аср тили учун характерли бўлиб, ҳозирда архаиклашган: *қатиғсиз, қариғсиз, ариғ(тоза, покиза); бўлумсуз, саран (хасис); осиғ, тўсу(фойда), эрсиг, кур, йуреклиг (ботир).*

3. Фонетик жиҳатдан ўзгаришга учраган лекин умумий маъноси сақланиб қолган: *қадғу – қайғу, иғлади – йиғлади, ўт – ўрт.*

4. Маънодош сўзларни тарихий жиҳатдан ўрганиш уларнинг тил тараққиётидаги мақомини, яъни қайси бири қадимий, қайси бири кейинги давр маҳсули эканини, шунингдек, уларнинг истеъмол даражасини ҳам аниқлаш имконини беради.

Асарда қўлланган янги сўзларнинг синоним сифатида ўзлашиши, синонимлар ўзбек тилида тилнинг ички ва ташқи тараққиёт қонунларига мувофиқ аста-секин ривожланганидан далолат беради. Улар асар тилини бойитишга, услубининг ранго-ранг бўлишини таъминлашга хизмат қилган.

Адабиётлар:

1.Ахманова Л. Словарь лингвистических терминов.- М.,1966.- 606 с

2. Лагутина А.В. Абсолютные синонимы в синонимической системе языка. // Лексическая синонимия.- М., 1967.- 178 с.

3. Русско – узбекский словарь.- М., 1954.- 1046 с.

4. Древнетюркский словаь.- Л., 1969.- 675с

5. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. I жилд.- Т., 1960.- 499 б.

Андижон давлат университети,
2015 йил 7 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)